



Савол:

Ассалому алайкум, муслмон биродарлар. Мен яна сизларни безовта қилаётганим учун узр. Мен ҳозир Хорижда стажировкадаман, саволим куйидагича:

“Шубҳали (бebисмиллоҳ сўйилганига) мол гўшtidан қилинган овқатнинг гўшtidан емасдан сувдан ичиб юрса ёки гуручидан еса ва шунга ўхшаш... Бу ерда овқатга кийналяпмиз. Бунинг ҳукмини билиб ёзиб юборсангиз. Сизлардан Аллоҳ рози бўлсин. Бизларни дуо қилиб туринглар.

Жавоб:

Ва алайкум ассалам ва роҳматуллоҳ.

Бисмиллаҳ вассолату вассаламу ала расулиллаҳ:

Имом Косоний “Бaдоиус-саноиъ” китобида “гўшт емасликка қасам ичган одам гўшт қайнатилган сувдан ичса қасамини бузган бўлади. Чунки, у сувда гўштнинг бўлаклари бўлади” дедилар. Шунга кўра Бисмиллаҳсиз сўйилган гўшт қайнатилган сувда унинг таъми ва кўзга кўринмас бўлсада бўлаклари борлиги учун унинг суви ва сувда пиширилган гуручни еб бўлмайди. Гўштнинг сувда пиширилган нарсаларнинг ҳукми ҳам ана шу гўштнинг ҳукмидадир. Яъни, ҳаромдир.

Аллоҳ сизларга сабр берсин ҳозир Аллоҳнинг имтиҳонида экансизлар, иложи борича ҳалқумни тоза тутишга ҳаракат қилинглaр. Бизни сизларга берадиган маслаҳатимиз агар сизлар катта ташкилот ёки



билим юртларининг ошхоналарида овқатланадиган бўлсангизлар, у ерда “ДИЕТ” овқатлар бўлади. Одатда диетларга гўшт ҳам ёғ ҳам қўшилмайди. Бизда диет деганда фақат сутли овқатлар тушуниларди, чет элларда ундай эмас. Гуручни қайнатилгани, ҳар-хил сабзавотларни ёғсиз қовурилгани ва ҳоказолар бўлади. Қолаверса сизлар у ерда йиллаб қолиб кетмасангизлар керак, албатта. Иложини қилсангизлар гоҳида ўзинглар бирор нарса пишириб енглар. Ҳар куни икки ёки уч маҳал қовурилган овқат бўлиши шарт бўлмаса керак. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг уйларида гоҳида икки ой ўтиб кетарди бир марта қозон қайнатилмас эди. Бу ҳолни Оиша онамиз ривоят қилганлар, у кишидан нима овқат ейишарди деб сўраганларида? Уларнинг овқатлари икки қора нарса эди дедилар. Икки қора нарса сув ва хурмо.